



2016/10 №42

# IJODIY PARVOZ

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasи

1 октябрь — Устозлар ва мураббийлар куни

## УСТОЗЛИК — БАХТАДИР, ФАХРАДИР!

Ота фарзандни самодан заминга олиб тушади, устоз эса уни ердан кўкка кўтарида, улуғворлик сари етаклади. Шунданинг устоз отадек улуг зот сифатида эъзозланниб, меҳри нур сочаётган кўёшга қиёсланади. Мурғакнина қалб эгаларининг онгу шуурига эзгулик ургуларини экиб, униб-үсгунига қадар меҳнат қилиб чарчамайдиларки, шундан юзларига тушган ажин, сочларига оралаган ҳар бир оқ толалар машиқатли ҳамда мазмунли умр йўлларидан ҳикоялар сўзлайди. Кўз нури, қалб кўри ила парвариш этган ниҳолларининг эл-юргутга хизмат қилиш билан кўрсаттан ҳосилларидан баҳра олмоқдан ортиқ баҳтини топа билмаслар.

Мустақиллик туфайли устоз-мураббийларнинг машақатли меҳнатлари муносиб баҳоланиб, хизматлари тақдирланиб келинмоқда. 1997 йилдан бўён 1 октябрь — «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» сифатида кенг нишонланиб келинаётгани ҳам улуг каеб эгаларига берилётган эътибордан нишона. «Кадрлар тайёрлаш миллый дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан эса азиз устозларнинг малакавий ва

илмий фаолиятларини атрофлича амалга ошириш мустаҳкам асосларга эга бўлди. Таълим ва тарбия тушунчаларининг бир бутунлиқда кенг тарғиб қилинаётгани ҳам музаллимликнинг барча касблар орасида foят

дея эъзозланишларида ҳам ана шундай маънои мужассам.

Ватанимиз равнақи, шон-шуҳратини бутун дунёга тараннум этишида санъат ва маданият соҳасининг ўрни мухим аҳамият

касб этади. Ана шундай машиқатли ва шарафли касб вакилларини юртга муносиб фарзанд сифатида тарбиялашда институтизмнинг профессор-ўқитувчилари куну тун тинимизз фаолият юритиб келмоқдалар. Буғунги кунда институтимизда 200 га яқин профессор-ўқитувчилар фаолият юритаётган бўлса, улар бирбирига ўхшамас, қайтарилмас педагогик маҳоратга эга эканлиги кишини

қуонтиради. Айниқса, институт раҳбарияти томонидан устозшогирд анъаналярини давом эттириш учун кенг

имкониятлар яратилаётгани ёш ўқитувчиларнинг шаклланishiда кўл келмоқда.

Илм — мисоли чексиз уммон, мураббийлар эса моҳир сузуви кабидир. Уларнинг бардош ила мустаҳкамланган саботлари барчага бирдайин намуна бўлувчи гўзал зийнатлардан десак, мубобала бўлмайди. Улар ҳар дақиқа ўз шогирдларига билим

Качон пайдо бўлмиш улуг одамзод, Шундан дунё юзи бўлмоқда обод.

Илм деб атальмиш буюк қасрга,

Ҳамиша шоҳ эрур мураббий, устод.

Эй, улуг устозлар, хурматда сизлар, Қаршигизда доим таъзимда бизлар.

Сизнинг таърифингиз симас оламга,

Табриклаб сизларни Садоқат сўзлар.

Арасту аталгай муаллим аввал,

Муаллим сонийдир буюк Фаробий.

Беруний, Навоий, Бобуршоҳ, Темур —

Барчаси бизларга устод, мураббий.

Лек осон бўлмаган буюкларга ҳам,

Илмсиз нодондан етган жароҳат.

Ақл чироғида топади барҳам,

Илмнинг қасрига келган ҳар оғат.

Устозга хиёнат — юртга хиёнат,

Шогирдлар қалбидан бўлсин диёнат.

Устозга содиқлик — юртга содиқлик,

Бор бўлсин доимо шу улуг ният.

Шундай ҳикмат бордир она ҳалқимда,

Устозни атарлар — отадай улуг.

Илм чўққисини забт этиб бир-бир,

Шогирдлар айласин юзингиз ёруғ!

Садоқат ЭРМАТОВА  
Фольклор ва этнография кафедраси  
кабинет мудири



олий мақомга эга эканини англатади. Зоро, инсон камолоти майнавият ва маърифат, теран ақл, кенг дунёқараш, тафаккур, идрок каби сифатларга эгалити билан белгиланиши устоз-мураббийлик нечоғлик олий мақом рутба эканлигидан далолатдир. Отадек азиз, онадек мўътабар устозлар эса айнан шундай имкониятлар яратилаётгани ёш ўқитувчиларнинг шаклланishiда кўл келмоқда.

Илм — мисоли чексиз уммон, мураббийлар эса моҳир сузуви кабидир. Уларнинг бардош ила мустаҳкамланган саботлари барчага бирдайин намуна бўлувчи гўзал зийнатлардан десак, мубобала бўлмайди. Улар ҳар дақиқа ўз шогирдларига билим

беришни умр мазмунига айлантирад эканлар, ҳаёт китобларини хайру савоблар билан бойитаверади. Бу каби таъриф ва тавсифларнинг адоги йўқ. Тилагимиз, сиз азиз устозларни мана шундай шижоат тарк этмасин. Айёмингиз муборак бўлсин, азиз устозлар!

Фахриддин АБДУВОҲИДОВ

Санъатшунослик ва маданиятшунослик

кафедраси катта ўқитувчиси,

Маҳлиё ТЕПШАБАЕВА

Театр санъати мутахассислиги

2-курс магистранти

## «Вечные ученики»

И речь ниже пойдёт не о тех, кто долго учится, восстанавливаясь и переводясь после очередной «заваленной» сессии, а о тех... кто учит. Но сначала о самом главном. О самом главном празднике — Дне Учителя и Наставника. О том, насколько он важен — говорит уже одно то, что этот праздник — единственный профессиональный, который является государственным в соответствии с Законом

«Об установлении Дня учителя и наставника» от 27.12.1996 г. И действительно, наверное, нет ничего ответственней, почётней и сложней, чем учить. А любой педагог ГИИК Узбекистана дополнит: актёрскому мастерству и режиссуре, кукловождению и эстрадному вокалу. Плюс организации досуга, операторскому искусству, народному творчеству и основам искусствоведения. А ещё... Перечислять можно долго и с гордостью. Ну как тут без учителей и наставников! И вот я, накануне 1 октября, вдруг поймал себя на прелюбопытной мысли. Я являюсь частью этой огромной (почти 200 человек!!!) «пед.гвардии» и вставая в «виртуальную» очередь за искренними словами поздравлений и пожеланий, вдруг спросил себя — а кто же я? Почему? Да потому, что уж очень захотелось, проснувшись ранним осенним утром, как ученик, с букетом цветов прибежать к любимому учителю. Без лукавства — как простой ученик. Да нет же, конечно, я помню, что я преподаватель кафедры..., что работаю уже в любимом институте...ый год, что по расписанию у меня завтра... Это завтра, а сегодня, произнеся слова «Учитель» и «Наставник», вспомнил своих институтских учителей и наставников. Тех, кто учил уже А.М.Гринберга и Е.Н.Храмову — моих педагогов по режиссуре и сцен.речи.

Тех, с кем дружу до сих пор — Г.А.Расолову, которая открыла для меня бескрайний мир поэзии А.Навои. И тех, которые меня до сих пор учат в стенах родной альма-матер, по адресу м-в Ялангоч, 127-А. Учат своей педагогической и человеческой мудрости, преданности профессии, велико-души и требовательности, настойчивости и самоиронии. И ещё много, много чему. Но видя этих учителей, искренне восторгающихся успехам своих учеников, ради науки «копающимися» в бесконечных книжных копях и вечно торопящихся на премьеры-выставки-показы, я вдруг понял одну простую вещь. Достойные восхищения- они сами не разучились восторгаться, призывающие читать, они сами не выпускают книг из рук, зовущие в театры, кино, концертные и выставочные залы они первыми встречают своих студентов у дверей. Они, такие прежде всего потому, что и сами продолжают учиться. Не «бронзовея» под спудом званий, наград и должностей, не позволяя «душе лениться» на лаврах вчераших заслуг и многолетних успехов. И рука уже привычно потянулась к компьютерным клавишам, печатать имена тех, кто учит меня учить тех, кто завтра будет учить тех, кто будет учиться... Вот он — вечный педагогический двигатель! И не хватит и места, и времени перечислить всех наших

«ВЕЧНЫХ УЧЕНИКОВ». Спасибо вам, мои наставники и учителя, учащие и учащиеся всю свою (внимание — пожелание!) долгую и счастливую жизнь.

Александр КУДРЯВЦЕВ

Старший преподаватель кафедры режиссура кино и ТВ

## УСТОЗЛАРИН ШАРАФЛАГАН ЮОРТ

### ЭЪТИРОФ



Исоқтој Жуманов хусусида фикр юритар эканмиз, уларнинг энг аввало камтарили, фамхўрлиги, самимийлиги ва барча юксак фазилатларини таъкидлаб ўтмай иложимиз йўқ.

Устоз ҳар бир шогирдининг ютуғи билан фаҳрланиб, уларни янада юксак чўққиларга интилишларига, изланишларига туртки беради. Талабалар билан ота-боладек, яқин дўстдек мулоқотда бўлади. Ҳар бир дарсини видеороликлар, кичик саҳна кўринишлари ва талабаларнинг ижроси билан бойитиб, ўз фикрларини шогирдларiga етказа олади.

«...Қўйиладиган ҳар бир асарнинг асосини

саҳна нутқи жонлантиради, асар қаҳрамони ўз нутқи билан томошабинни тез эргаштира олади», — дейдилар устоз.

Устоз Исоқтој Жуманов тўғрисида уларнинг ҳар бир дарсларини таҳдил қилиш баробарида ижобий маънода соатлаб гапиришимиз, соатлаб ёзишимиз мумкин, аммо «вақт — олий ҳакам» деганларидек устоз сазовор бўлган давлат мукофотлари фикримизнинг ёрқин ифодаси бўла олади.

Исоқтој Жумановнинг шогирдлари буғунги кунда санъат, маданият ва фан соҳасида юксак мукофотларга эришиб, устоз юзини ёруғ қилгандарини кўриб, бу инсонга бўлган ҳурматимиз янада ортди, ҳавасимиз келди, қалбимиз шуурга тўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, юксак ҳурмат-эътиборга эга бўлган комил ва камтарин устозимизни «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» унвони билан яна бир бор муборакбод этамиз ва бундан кейинги масъулиятли, аммо шарафли ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Умрингиз узоқ, мартабангиз сарбаланд бўлсин, азиз устоз!

**Мухаррам БОЗОРОВА**  
Саҳна ва экран санъати драматургияси  
таълим йўналиши 2-курс талабаси

### КАТТА ДОВОНЛАР САРИ

Қайд этиш жоизки, истеъод машқатали меҳнат ва сабр-қаноат орқалигина юзага чиқади.

Ёназар Ёрбековнинг болаликлиқда қалбига тугиб қўйган орзулари санъат олийгоҳида ўқиб юрган кезларида ёқ ушала бошлади. Устозлар меҳрини қозонишига ҳеч қандай машқатлардан чўчи-маслиги, тинимисиз меҳнат қилгани сабаб бўлган бўлса не ажаб?! Табиат ато этган ширали овози ва драматик иқтидори санъат соҳасида ўзлигини топишга ёрдам берди. Устоз ҳаётнинг аччик, ва ширин дамларига, унинг паст-баландликларига бардош береб, фарзандлари ва шогирдларини ҳам ушбу йўлдан олиб ўтаётган мөхрибон инсондир. Ани вактда мусиқали, драматик театр ва кино санъати катта ўқитувчиси Эназар Ёрбеков мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида «Дўстлик» ордени билан таъдирланди.

Дарвоқе, ҳақиқий санъат учун ҳеч қандай тўсиқ бўлмайди, у ҳар бир кўнгилга кириб бора олади. Шогирдларингиз санъат ўйладиги издошлиарингиз эмас, фарзандларингиз каби азиз бўлсин. Сизга юксак чўққиларни забт этишини, катта довонлар сари олга интилиб, келажак авлодни баркамол этиб тарбиялашни, йиллаб ўргангандарингизни шогирдларингизга ўргатишингизни, институтни фахри бўлган устозлар қаторидан ўрин эгаллашингизни тилаймиз.

**Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА**

**Маънавият ва маърифат бўлими бошлиги,  
Муаззам НИШОНБОЕВА**

Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 2-курс талабаси

### ТАЛАБЧАНЛИК ОРТИДАГИ ЖОНКУЯРЛИК



Устоз — даражаси олий унвон. Ўқитувчilar кўп, аммо устозлар саноқни. Инсон ҳаёта ўз ўрнини топишга интилар экан, бу йўлда унинг ҳақиқий шамчироғи устоз бўла олади. Мен сизга сўзламоқи бўлган инсон ҳам ана шундай «устоз» номига лойиқ, ҳар қандай талабаларнинг ҳаёт йўлида шамчироқ бўла оладиган дилгир шахсадир.

Ижтимоий-гуманитар фанлар, кафедраси доценти, малакали мутахассис Файзиев Тўрабек Рауфович анчана йиллар мобайнida «Иқтисодиёт назарияси», «Ҳаётний хавфисизлик фаолияти» каби фанлардан талабаларга назарий билим берип кельмоқда.

Ўз касбининг моҳир устаси, тажрибали педагог ва шу билан бирга жонкуяр инсон Тўрабек Файзиев анчагина талабчан, қаттиқўл, дарсларда талабалар давомати, ўзлаштириш даражасига сидқидилдан эътибор беради. Талабаларга малакавий билим бериши билан бирга, зарур пайтларда койиб туришлари ҳам бор гап. Бироқ, мана шу талабчанлик ортида инсоний жонкуярликни кўриш мумкин.

**Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ**

Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 4-курс талабаси

### ҚАТТИҚЎЛ, МАҚСАДЛИ, МЕҲНАТКАШ...

Таниқли режиссёр, устозимиз Олимjon Салимов қандай одам эканлигини уч сўз билан сифатлаб бер дейишига, қаттиқўл, мақсадли, меҳнаткаш деган бўлардим. Бу серкірра инсоннинг шунчалик фазилатлари кўпки, биз — драматик театр режиссёrlиги бўлими талабалари 4 йилдан бўён Олимjon Салимов раҳбарлиги остида режиссёrlик, театр санъати ва умуман саҳна конуниятлари сирларини ўрганиб келмоқдамиш.

Устоз биринчи навбатда ўзларига нисбатан қаттиқўл ва ўта талабчан бўлиб, инсон сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам тинмай изланишда юради ва биз шогирдларга ҳам ана шундай талабни қўяди.

Устозимизнинг шахсини характерлайдиган яна бир хусусият — мақсадлилик (целе-направленность) бўлиб, театрда учраши мумкин бўлган энг катта хато саҳнада актёрнинг бемақсад хатти-ҳаракат қилиши бўлганидек, инсон умрими шунчаки яшаб, бемақсад сарф қилишини энг катта аҳмоқ-

лик деб билади. Ижодкор сифатида эришиш мумкин бўлган ютуқларнинг деярли барчасига, жумладан, 10 дан ортиқ ҳалқаро театр фестивалларida қатнашиб, бир неча бор гран-при мукофотларига сазовор бўлиб, UNESCO рўйхатида энг кучли режиссёrlар қаторида туришлари. Ўзбекистон санъати арбоби унвонига сазовор бўлиб, энг асосийи, ҳам театр мутахассислари, ҳам муҳлислар томонидан кучли режиссёр сифатида эътироф этилганидир.

Олимjon Салимов мураббий сифатида қанчалик қаттиқўл кўриниб, қанчалик талабчан бўлмасин, уларнинг ҳар бир ишида, айтатётган ўгит-насиҳатларида кела-жакда санъатнинг қаттиқ нонини еб, тиканли йўлларидан юриши керак бўлган чексиз меҳр, хайриҳоҳлик сезилиб туради.

**Сардор МАҲМУДОВ**  
Драматик театр режиссёrlиги таълим  
йўналиши 4-курс талабаси

### БИЗНИИ ЕТАКЛАГАН УСТОЗГА ТАЗИМ

Баҳор эди, ўшанда. Институтимиз ҳудудида эрта тонгдан бошланган ободонлаштириш ишлари ниҳоялаб бораёттир. Шу пайт кафедрамизнинг қўли очиқ мудири бир тўп кўчатни «Энди буни жойлаштиринг», — деб шу яқинда бос бўлиб турган Маъмур Умаровга тутқазди-да, ўзи кафедра томон одимлади. Камина унга яқин масофада, табиики устознинг чақнок қўзлари бизни тутди.

— Э, тақсир, ўзлари-ку! Келинг, бир савобни бошини тутинг. Шу кўчатни экайлик.

Мен чуқур очдим, ҳарқалай қишлоқ боласиман, билармонлигимни исботлагим келди:

— Бу беҳи, пишса ошга босамида-а?

— Йўқ, босолмаймиз, чунки бу жийда. Мана қаранг, тиконлари бор.

— Мен ҳам дарахт экиб юрибман, биламан демак. Мана танаси оқиши, худди ҳовлимиздаги беҳининг эгизи, тиконга ўхшаш шоҳчалари бор. Шундай фикрга келиб, ўз сўзимни маъкулашда давом этдим.

— Бу барибир беҳига ўхшайди, йўқ, аниқ беҳи.

Шундай қилиб устоз кўчатни жийдалигини исботлашга уринди, мен беҳилигини. Кўчат экилди, баҳс тугамади, аммо мен ҳамон «беҳи» деб «уриб енгардим». Ичкаридан мудиримиз бўй берди. Ёнимизда оёқ илди. Сўз айтди:

— Худо хоҳласа, сизлар эккан бу жийда тез ўсади.

Юзим олов олди. Қани энди ер ёрилса, ерга кириб кетсан. Ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. Афт-антогиримдан устоз илгади ва ҳижолатликдан мени кутқарди. Биргалашиб кўчатимиз остига сув ташидик. «Мен ҳаётни маҳмадона?», дегандек қарамади. Ҳақлигини писанда қилиб изза қилмади, гўрлигимни ўзимга солиб камситмади. Шунда ўйладим: УСТОЗ шунинг учун устоздир, балки.

Айтганда, мана шу йил жийда гуллади, ифори институт ҳовлисини тутиб кетди.

**Шоҳруҳ НЕЬМАТОВ**

Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 4-курс талабаси

### ХУРМАТ, ЭЪТИБОРГА САЗОВОР


Қаерда, қачон, қай вақт бўлмасин «Устозингга минг раҳмат!» деган сўзларни ёшиши нақадар ҳёклими. Мен ҳам мана шу олий таълим даргоҳида таҳсил олиш жараёнида ўзим қизиқсан соҳнинг малакали мутахассисларидан, профессор-ўқитувчиларидан таълим ва тарбия олиб кельмоқдаман. Айниқса, бошқарув соҳасининг сир-асрорларини пухта эгаллашда устозим Икромов Сайфулла Тургуновичнинг ҳиссалари катта. Шогирдларга нисбатан талабчанлик, доимий ҳаракат, интилиш, ташабbus, тартиб-интизом каби сифатлари билан институтнинг педагог жамоаси ҳамда талабалари орасида чуқур ҳурмат ва эътиборга сазовор устоз.

Бошловчилик маҳорати ва саҳна ҳаракати, бошқарувда маданий тадбирларни ташкил этишини назарий жиҳатдан пухта, амалий жиҳатдан намунавий мисоллар билан тушунчалар берип кельмоқда.

Шунингдек, Сайфулла Икромов дубляж соҳасининг ёрқин вакили ҳамдир. Устозим ишга нисбатан қаттиқўл, талабчан бўлса-да, ҳар бир талабанинг ижодий имкониятларини тўғри баҳолай олиши билан шогирдларининг қалбига йўл топа олган инсондир.

**Мунисахон СИДДИҚОВА**

Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналиши 2-курс талабаси



**Сардор МАҲМУДОВ**  
Драматик театр режиссёrlиги таълим  
йўналиши 4-курс талабаси

## ВЫСОКИЙ УРОВЕНЬ КУЛЬТУРЫ — НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ТРУДА

Духовная культура представляет собой производство, распределение и потребление духовных ценностей в области науки, литературы, просвещения. Первый Президент Узбекистана И.А. Каримов одним из главных приоритетов в развитии общества считал дальнейшее духовное обновление.

Профессия в современном мире немало, но каждого специалиста создает именно преподаватель.

В современном представлении идеальный преподаватель, кроме глубоких знаний, должен обладать такими качествами, как доброта, внимательность, чувство юмора, такт. Он должен уметь увлечь всю аудиторию, иметь индивидуальный подход к каждому студенту, а также хорошо выглядеть. Преподаватель должен любить свою работу и, прежде всего, быть



склонен соответствовать идеалу. Существует только наиболее оптимальные методы и средства преподавания. У каждого из вышеуказанных педагогов они свои.

Также среди важных качеств Зебо Хамидовны, Антонины Фёдоровны и Максима Петровича можно выделить те моменты, когда преподаватель отлично знает свой предмет, все его тонкости и «подводные камни», когда педагог обладает чувством юмора, определенной внутренней харизмой.

А главным признаком, по моему мнению, является то, когда студент (в принципе, это касается не только студентов, но и учеников) способен довериться преподавателю. Это поднимает и авторитет преподавателя, и видны конкретные плоды его деятельности.

Важной составной частью педагогической культуры выступает созидающая ее творческая деятельность, без которой самореализация педагога невозможна. Культура относится к числу социальных факторов и лишь на ее основе формируется база для саморазвития педагога. Педагогическая культура в Узбекистане стала составной частью нравственной культуры общества. Она рассматривается как сложное системное динамическое образование, отражающее степень и уровень его развития.

Составные педагогической культуры: общая эрудиция, знание своего предмета, постоянное совершенствование знаний и умений, справедливость, любовь к педагогической профессии, такт, совершенствование, внимание, наблюдательность, доброжелательность, чуткость, открытость, любовь к человеку.

Требования к личности педагога в наше время велики. Эти требования определяются ценностными ориентациями



хорошим психологом. На мой взгляд, главное, чтобы он научил учиться, что представляет большое значение в продолжении образования.

За пять лет моего обучения в Государственном институте

искусств и культуры Узбекистана было много хороших преподавателей, но особенно хотелось бы отметить Касымову Зебо Хамидовну, Кошелеву Антонину Фёдоровну и Савочкина Максима Петровича. Занимаясь на парах, я с интересом слушала подробные последовательные объяснения по теме, которая для меня была достаточно сложна, и понимала, что примеры, приведенные данными преподавателями, делают тему более понятной.

Идеальных людей вообще не существует, тем более в такой нелегкой сфере, как преподавание, очень

преподавателя, среди которых идеалы, интересы, гражданская позиция.

Всем вышеперечисленным требованиям отвечают преподаватели нашего родного Государственного института искусств и культуры Узбекистана. На сегодняшний день в нашем институте обеспечен очень высокий уровень образовательного процесса. В нем органично сочетаются наука и искусство. Данный институт является уникальным учебным заведением. Активно внедряются современные информационные технологии, неустанно ведется художественно-творческая работа, умело сочетаются традиционные методы преподавания и инновационные подходы к обучению и воспитанию.

Пользуясь, слушаем, хотелось бы поздравить наш преподавательский состав с их профессиональным праздником и сказать огромное СПАСИБО!

**Шахноза САРИБАЕВА**  
Магистрантка 2-курса по направлению культурология



Кафедрамизни катта бир оиласа ўҳшатамиз. Ким-ким биландир ака-ука, яна кимлардир бир-бирлари билан опа-сингил... Устозларимиз эса оталаримиз, оналаримиз... Дардимизни айтамиз... Маслаҳат берадилар... Ютуқларимизни айтамиз... Ўзимиздан кўпроқ қувонадилар... Мақсадларимиздан сўзлаймиз... Эзгу ва хайрли ишларнинг рӯёбини тилайдилар...

Санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедрасида фаолият олиб бораётган Омонилла Ризаев, Кўчқор Норқобил, Фахридин Абдувоҳидов, Мұҳаббат Тўлахўжаева, Муаттар Содикова, Бахтиёр Якубов, Шаҳю Ҳамидова, Моҳина Исроилова, Матлуба Исоқова каби барча устоз-мураббийларимизга тансиҳатлик, оиласи хотиржамлик тилайдимиз...

Шоғирдларнинг фалабалари, устоз-мураббийларимизнинг фахру ифтихорлари бардавом бўлсин!!!

**Саҳна ва экран санъати драматургияси  
таълим йўналиши 2-курс талабалари**

## КӨРКЕМ ӨНЕР ШЫНЫНА ТАЛЎАС

Елимиз ғәрәзизликке ерискеннен кейинги жыллар ишинде көркем өнеримизде бирканса жаңаланыўлар жуз бергенинин гүйаси болып отырмыз. Ғәрәзизлик, биз ушын жас әўладларымызды миллий ҳәм улыма инсаныйлық қәдириялар руҳында тәрбиялау усаган шексиз имканиятларды ашип берди. Биринчи Президентимиз И.Каримов «Бизлерге пікткерүшилдер саны емес, ал жоқары мәнауиятты талим-тәрбие көргөн шахслар керек» дег атап откенидей, биз ҳәртәреплеме билимли, руҳый дуняси бай қәнигелерди тәрбиялап шығарыўымыз керек. Соңғы ўакытлары мәмлекетимиз тәрепинен жаслар тәрбиясына, олардың тиянақты билим алышына айрықша итибар каратылып келинбекте.

Халқымыздын миллий мәдениятин, көркем өнерин еледе раўажаландырыў, бул тараўларда кәбилетли жасларды оқытып, маман қәнигелерди таярлап шығарыўда Ӯзбекистан мәмлекетлик көркем-өнер ҳәм мәденият институты Нөкис филиалыда айтарлыктай нәтийжели жумыслар алып бармакта.

Минекеи усы бағдарда филиалда драма театры актерлары болиминде Карапакстанга хызмет көрсеткен көркем-өнер гайраткери Б.Өтебаев Ж.Б.Мольердин «Скапенинн хийлеси», Н.Қобиловтың «Ўйым», музыкалы театр актёрлары болиминде Ӯзбекистанга хызмет көрсеткен артист М.Исмайлова А.Цагарели, Г.Канчелидин «Ханум» ҳәм ағалы-инили Гриммердин «Бремен сазендөлери», драма театры актерлары болиминде оқытышы А.Кудайназаров япон драматурги Д.Киноситонын «Тырна пәрлери», эстрада актерлары болиминде оқытышы Л.Уразбетова рус драматурги А.П.Чехов шығармалары тийкарина «Дүньяга көринбес көз жаслар», «Астан-кестен», «Судтан алдынғы түн», жас драматург А.Исмайлотовтың «Тебиренбес жүреклер», кууыршак театры актёрлары болиминде оқытышы К.Калилаев Ж.Хожановтың «Аккүй хаккында азыз» атты диплом спектаклелери табыслы сахналастырылып оқытышылардың ҳәм студентлердин дөретиўшилик жетискенликлери жөнене бир мәртебе дәниллени.

Биринчи Президентимиздин 2012 жыл 4 июняғи 1771-санлы карары менен филиалымыз Ӯзбекистан мәмлекетлик көркем өнер ҳәм мәденият институты Нөкис филиалы болып кайта шолкемлестирилди.

Филиал ашылған жылда еки қәнигеликке 25 студент кабылланған болса, ҳәзирги ўакытта бул билим дәрғайинда 121 студент «Актёрлық», «Режиссерлық», «Кино, теливедение ҳәм радио сес режиссерлары», «Мәденият ҳәм көркем-өнер мекемелерин шолкемлестириў ҳәм баскарый», «Фольклор-этнографик жәмәэтлерин баскарый», «Вокал жәмәэтлерин баскарый», «Телевидение ҳәм радио режиссерлары», «Косыкышылк ҳәм ойын өнери» сияқлы жөнелистер боййаша қәнигелик сырларын ўренбекте.

Студентлеримиз Республика колеминде откерилген кияттарған «Наурыз», «Ғәрәзизлик» байрамларына, сондай-ақ «Жалғызаң сен мүқаддес Ўатан» таңдауына белсене катнасын, өз дөретиўшилик қабылдетлерин ҳәр тәреплеме көрсетсөн келмекте.

Биринчи Президентимиз «Перзентлеримиз бизден де көре күшли, билимли, дана ҳәм әлбетте баҳытлы болыўы керек» дегенидей, бүгинги күннин жаслары ҳәртәреплеме билимли, саналы, кәбилетли десек асыра айтканлық емес. Биз олардың еле де жоқары мәрелерди иелетуғынына исенемиз.

**Мехрибан ХОЖАНОВА**

Ӯзбекистан мәмлекетлик көркем өнер ҳәм мәденият институты  
Нөкис филиалының оқытышы

## ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ЎҚУВ РЕЖА ВА ДАСТУРЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № 4732-сон Фармони ижросини таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини илғор хорижий тажрибалар асосида модернизациялаш мақсадида бугунги кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош илмий-методик марказ ҳамда Таянч олий таълим муассасалари хузуридаги тармоқ марказлари томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумлапдан, хорижий тажрибалар асосида Ӯзбекистон давлат санъати ва маданият институти хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида «Мусиқа санъати (турлари бўйича)», «Тасвирий ва амалий санъат (турлари бўйича)» ва «Санъатшунослик (турлари бўйича)» йўналишлари бўйича қайта тайёрлашва малака ошириш курслари учун янги ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилди. Хорижий мутахassisлар иштирокида, яъни Париж Миллий Консерваторияси профессори Дилан Корлей (Франция) ва Дайегу университети профессори Ким Ин Ог ҳамкорлигига ўқув режалар ва дастурлар ишлаб чиқилди. Мазкур ўқув режаларга 18 та янги модуллар киритилиб, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун мазкур модулларга мос б та номдаги хорижий адабиётларнинг электрон вариантлари олинди ҳамда улар асосида янги киритилган ўқув модуллар бўйича 6 та ўқув услубий мажмумалар тайёрланди. Тайёрланган ўқув-услубий мажмумаларга Франциядан Дилан Корлей, Жанубий Кореядан Ким Ин Ог экспертиздан ўтказиб, ижобий тақриз ва холосалар беришиди.

Хозирги кунда Ӯзбекистон санъати тармоқ марказида Жанубий Кореядан жалб этилган профессор Дилан Корлей ҳамда Ким Ин Ог иштирокида 24 соатта мўлжалланган қисқа муддатли тренерлар тайёрлаш курслари ташкил этилди. Тренерлик курслари якунида тест синовлари ва суҳбат ўтказиш асосида 12 нафар профессор-ўқитувчилар саралаб олинди.

Саралаб олинган 12 нафар профессор-ўқитувчилар учун жорий йилнинг 15 августидан 3 сентябрингача Бош илмий-методик марказда Жанубий Кореядан жалб этилган профессор Ким Ин Ог иштирокида 108 соатлик малака ошириш курслари ташкил этилди.

2016 йилнинг октябр-ноябр ойларида бакалавриат таълим йўналишларининг янги ўқув дастурлари асосида бакалавриат 1-курсда мутахassislik фанларидан дарс берадиган 100 нафардан ортиқ педагог кадрлар хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиши режалаштирилган.

**Анвар ЖУМАНИЯЗОВ**  
ЎзДСМИ хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази бўлим бошлиги

## СИЗГА ТАБЗИМ, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

Фидойиллик кўрса-таётган ўқитувчи ва мураббийларни моддий ва маънавий қўллаб-куватлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рагбатлантириш бўйича ўзига хос янги тизим жорий этилди. Чунки уларнинг меҳнати ана шундай юксак эътиборга муносибdir. Баркамол авлодни теран билимли ва етук инсон бўлиб етишишларида уларнинг беминнат хизматлари бебаҳодир. Бу ёруғ оламда ҳар биримиз учун азиз ва мўтабар бўлган улуғ зот — бу ўқитувчи ва мураббийлардир.

Ўқитувчи ва мураббийлар тўғрисида Юртбошимиз И.А.Каримов шундай деган эдилар: «Дунё иморатлари ичida энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичida энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийлардир». Албатта, барчамиз илм ва маърифат нурини тарқатувчи устозларга буюк эҳтиром ва эъзозимизни изҳор этамиз.

Бугунги кунда институтимиз республи-

камизнинг турили вилоятларида жойлашган 28 та касб-хунар коллажлари билан ҳамкорлик ишларини давом эттириб

жоиз. Ҳамкор касб-хунар коллежи ўқитувчилари янги 2016-2017

йўкув йилини Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиқсан ҳолда, баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги мақсадлар билан иш бошлади.

Мустаҳкам ақл-идрекка эга, мустақил юрт туйғусини теран англайдиган, ёт ғояларга қарши қаттий турадиган авлодни тарбиялашда самарали меҳнат қилаётган институтимиз профессор-ўқитувчилари қаторида институтимиз билан ҳамкорликда иш олиб бораётган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчиларини байрам билан муборакбод этамиз.

**БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУГ БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗЛАР!**

**Дилрабо АБДУЛЛАЕВА  
Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйими методисти**



кељмоқда. Ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида институтимиз профессор-ўқитувчиларини фаоллигини алоҳида таъкидлаш

Инсон учун энг қимматли бўлган отона ҳақида ёзиш нақадар шарафли ва айни чорда, мукаддас туйғудир. Чунки фарзандни дунёга келтирибина қолмай, ўстириб, улгайтириш, катта ҳаёт йўлига етаклаб чиқши жараённида қанчадан-қанча заҳматларга дуч келиниши барчага маълум.

Яқинда Сирғали тиббиёт коллежи ўқитувчиси Сожида Йўлдошеванинг «Ёрқин ҳаёт» деб номланган рисоласи чоп этилди. Рисолада бир умр ўз ҳаётини китобга бағишлиган, кутубхонашунослик фани соҳасида самарали меҳнат қилган профессор Эргаш Йўлдошевнинг ибратли йўли тўғрисида фикр юритилади. Рисола фақат содик фарзанднинг суюкли падари бузруквори тўғрисидаги дил сўзлари чизгиларидангина иборат бўлмай, балки мамлакатимизда кутубхонашунослик фани соҳаси бўйича умр бўйи илмий, амалий иш олиб борган ўзбек олими тўғрисидаги ибратли умр йўли ҳақида батафсил маълумотлар берилганлиги билан ҳам қимматлидир.

**Зебо АБДУҒАНИЕВА  
Ахборот-ресурс маркази директори**



## УСТОЗЛАРГА ЭЪТИБОР

Ватан қаҳрамонлари бизни тарк этгандан сўнг унинг ҳар бир сўзи, кўрсатмаларининг қадрини қай даражада юқори бўлганлигини янада яхшироқ англаймиз. Мустақил Ўзбекистонимизнинг янги тарихий қаҳрамони, миллат гурури, аждодларимизга мос ворис, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳам шундай ватан қаҳрамони бўлиб, юракларда учмас из қолдирди. Эътироф этишимиз жоизки, устозларни машаққатли, аммо шарафли меҳнатлари Президентимиз томонидан қадрланиб келинганилиги бу албатта, биз ва келажак авлодларга бўлган эътибор ва фамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Чунки жамият маънавиятини юқсалтириша устозларнинг ўрни бекёсdir. Бу борода ҳурматли Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳам ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида алоҳида тўхталиб ўтганлар. «Биз юртимизда 1 октябрь санасини «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» сифатида умумхалқ байрами деб эълон қўлганимизнинг чуқур маъноси бор, албатта. Бу байрам аввало ўзининг билим ва тажрибаси, истеъодод ва маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб қўри, бутун борлигини аямасдан, маърифат ўйлида беминнат хизмат қиласидан устоз ва мураббийларимизга нисбатан ҳалқимизнинг азалий ҳурмат-эҳтимонинг яққол намунасиdir».

Дунёда касб, ҳунарлар кўп, лекин уларнинг орасида ўқитувчилик касбнинг ўрни бекёс. Чунки дунёдаги энг масъулиятли ишлардан бири бу — бирорни бир илм-ҳунар или маърифатли қилиш вазифасидир. Шу боис инсониятга маънавият ва маърифат улашаётган мураббийларимизни доимо ардоқлаб, қадрига этишимиз лозим.

Азиз устоз ва мураббийлар, байрамингиз муборак бўлсин!!!

**Муҳаррам ЖЎРАЕВА**

Фольклор-этнография таълим йўналиши 1-курс талабаси

2016 йилда «Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қарартилган кўшичма чора-тадбирлар Дастири»нинг 42-банди ижросини таъминлаш ҳамда ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, маданият ва санъатга бўлган интилишларини қўллаб-куватлаш мақсадида ҳар йили «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар республика танлови ўтказилиб келинмоқда.

Ушбу иқтидорли ёшлар танловининг ҳудудий босқичида «Камолот» ёшлар ижтимоӣ ҳаракати Марказий кенгаши ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигига «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар танловининг республика босқичи 2016 йил 19-24 август кунлари Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, «Лочин» болалар согломлаштириш оромгоҳида ўтказилди. Ушбу танловининг «Анъанавий ва амалий санъат» йўналиши бўйича Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали телевидение ва радио режиссёrlиги бўлуми 2-курс талабаси Отарбаев Баҳрам Арисланбаевич миллий мусиқий асбоблар ва сувениirlари билан қатнашиб, голиб бўлди ва қимматбаҳо совгалар билан тақдирланди.

**Ўралхон КДЫРНИЯЗОВА  
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти  
Нукус филиалининг Маънавият бўйими методисти**

Дунёда турли хил касб эгалари бор. Назаримда энг машаққатли, сабр-бардош талаб этадиган касб — бу ўқитувчилик касбидир. Мен устоз-муаллимларни ёмғирга, толиби илмларни эса заминга ўҳшатаман. Ёмғир ўз саховатини табиатга бир хилда тортиқ қиласи. Аммо ер юзи фақат сувни ўзига бир хилда сингдирадиган, унумдор ерлардангина иборат эмас. Шундай экан, устозлар ҳам таълим беришда талabalарга алоҳида ёндашиб, ҳар бирининг юрагига йўл топишга уринади.

## КАСБЛАРНИНГ ГУЛТОЖИ

Мураббийлар талabalardan билим ва кўнижмаларини аямай, уларнинг бу мураккаб ҳаётда ўз ўрнини топишларида маслаҳатларини беради. Зеро, ҳар бир комил ва баркамол инсоннинг эришаётган ютуқлariда сўзсиз устозларнинг хизмати катта.

Кимки билимли бўлишни истар экан, унга ўз иродаси, ўз тиришқоқлиги билан эришмоги лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, барча маслақдош ва маслаҳатгўй устоз-мураббийларимизни чин қалбимиздан касб байрамлари билан қутлаймиз ва олган билимларимиз ҳақиқи-хурмати чексиз миннатдорлигимизни билдирамиз.

**Дилфуза ИШБОБОЕВА  
Касб таълими: маданият ва санъат  
муассасаларини ташкил этиши ва бошқарни  
таълим йўналиши 3-курс талабаси**

## МАЪНАВИЯТГА БАҲШИДА УМР

Буюк келажагимиз пойдевори бўлган биз ёшларнинг ҳаётимизда таълим-тарбиянинг ўрни бекёс. Беминнат ва бегараз фидойиларимиз — устоз-мураббийларимиз бу йўлда ҳеч толмасдан билим даргоҳларида ҳақиқий келажак соҳибларини тарбиялайдилар. Уларни шу жаёнда маҳоратли нақош, истеъододли санъаткор, бағрикенг меъмор, оққўнгил дўст ва энг муҳими, қалби нурли, меҳри қайноқ онажонларга ўҳшатим келади. Зеро, нақошдай санъат асарини яратиб, жўшқин санъаткордай барчанинг қалбидан ўрин олиб, меъмордай гўзаликнинг олтин намуналарини яратиб, яқин дўстдек қалб сирларингизни тинглаб, кўнгил дардларингизга малҳам бўлган ҳаёт йўлимининг йўлбошчиларини маънавиятнинг қон томирига қиёсласак, ҳеч муболага бўлмайди. Негаки, бутун умрини маънавиятнинг гултожи ҳисобланмиши таълим ва тарбияга баҳшида этаётган, қалбимизда яширик куйларни тинглаб, ундан бетакрор наволар басталаётган ҳам устозлар эмасми, ахир?!

Азиз устозлар, сизни таъфилашда сўз ожиз, қалам ожиз. Энг гўзал сўз дурдоналари-да камлик қиласи. Мехрға лиммо-лим кўзларингиз ҳар вақт шодликдан порласин, юрагингиздаги ширин ҳаётга, она Ватанга кўзмунҷоқ фарзандларингизга, суюкли шогирдларингизга бўлган улкан меҳр олови асло сўнмасин! Байрам муборак бўлсин!

**Ўғилой ШЕРМУРОДОВА  
Фольклор-этнография таълим йўналиши  
1-курс талабаси**

## УСТОЗДИР

Устоздир — кўкларда чирой очган нур, Устоздир — қалбдаги олий бир гурур. Устоздир — юксаклик сари чорловчи. Устоздир — чироқдек ёрқин порловчи. Устоздир — гулларнинг асл bogони, Устоздир — илмнинг эрур посбони. Устоздир — бизларга тарбия берган. Устоздир — тарбия мевасин терган. Устоздир — матонат сувидан ичган. Устоздир — бизни деб ҳар недан кечган. Устоздир — аҳиллик дарсини ўтган, Устоздир — илк бора қўлингдан тутган. Устоздир — эркала, «ўёлим» дер, «қизим», УСТОЗИМ сизларга минг бора таъзим!

**Азизабегим МАВЛОНОВА  
Фольклор-этнографик жамоаларига  
раҳбарлик таълим йўналиши  
1-курс талабаси**

## Муассис

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир  
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**  
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА  
Ҳамдам ИСМОИЛОВ  
Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА  
Ўмида ҲАСАНОВА  
Рашид УСНАТОВ  
Муҳаррам БОЗОРОВА  
**Масъул котиб:**  
Соҳибжон ХОТАМОВ  
Саҳифаловчи-дизайнер:  
Ўмида ҲАСАНОВА

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани, Ялонгоч мавзеси, 127 А уй  
Тел.: +99890 349 71 72;  
+99871 230 28 13  
www.dsni.uz; dsni\_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирги ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.  
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъъал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан  
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

1 2 3 4 5

Газета институтнинг таҳририят ва нашриёт бўлимида тайёрланди. Ўлчами — А3, ҳажми — 2 босма табоқ. Нусхаси — 1400 дона. Баҳси келишилган нарҳда. Чоп этишига 30.09.2016 да топширилди.